

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРОВА ГЎЗАЛ УБАЙДУЛЛАЕВНА

**ВАЗОМОТОР РИНИТНИНГ КОМПЛЕКС ДИАГНОСТИКАСИ ВА
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Нурова Гўзал Убайдуллаевна Вазомотор ринитнинг комплекс диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш.....	3
Нурова Гузал Убайдуллаевна Комплексная диагностика и оптимизация лечения вазомоторного ринита.....	21
Nurova Guzal Ubaydullaevna Comprehensive diagnosis and optimization of the treatment vasomotor rhinitis.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НУРОВА ГЎЗАЛ УБАЙДУЛЛАЕВНА

**ВАЗОМОТОР РИНИТНИНГ КОМПЛЕКС ДИАГНОСТИКАСИ ВА
ДАВОЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Tib846 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карабаев Хуррам Эсанкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тулбаев Райс Кажкенович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон Республикаси)

Насретдинова Махзуна Тахсиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Астрахан давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 – уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

К.Э. Шомуродов

Илмий даражаларни берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйлаб кенг тарқалган сурункали ринит нафақат беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради, балки нафас олиш тизимининг бошқа қисмларида патологик ҳолатларнинг ривожланишига сабаб бўлади, тананинг деярли барча аъзо ва тизимларининг функционал ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда сурункали ринит гуруҳида вазомотор ринит 21-22% ни ташкил этади ва унинг учраш даражаси асосан ёш ва ўсмирлар орасида ортиши, синусит, отит, беморларда бурун орқали нафас олишнинг бузилиши, уйқунинг бузилиши каби асоратларни келтириб чиқаради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا кўра, олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўтказилган чора-тадбирларга қарамадан вазомотор ринит кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, охириги йилларда кун сайин ошиб бормоқда. Ер юзиде «...вазомотор ринит билан ҳар учинчи киши оғриган бўлиб, ушбу касалликнинг охириги ўн йил ичида улуши ошиб бормоқда...»¹. Кўплаб муаллифларнинг маълумотларига кўра, бурун чиғаноқларининг дезинтеграцияси вазомотор ринит учун энг кенг тарқалган жарроҳлик усули ҳисобланади. У механик, лазер нури, ультратовуш ёрдамида амалга оширилади. Вазомотор ринит билан оғриган беморларни даволашда мазкур технологияларни қўллаш етарли даражада самарали эмас, такрорий жарроҳлик аралашувини талаб қилувчи касалликнинг асоратлари ва қайталаниши қайд этилган. Шунинг учун вазомотор ринит билан оғриган беморларни даволашнинг жарроҳлик усули самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар оториноларингологияда ҳанузгача долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, жумладан, ишга лаёқатли аҳоли орасида иш қобилиятини пасайишига олиб келадиган ЛОР касалликларини олдини олиш борасида оториноларингологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, сурункали касалликларни эрта аниқлаш, даволашнинг самарали усулларини тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «...Мамлакатимиздаги аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ҳамда даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда аҳоли орасида сурункали ЛОР касалликларининг олдини олишда хавф омилларини эрта аниқлаш, коморбид ҳолатларини бартараф этиш ва тўғри даво усулларини такомиллаштириш, вазомотор ринит касаллиги асоратларини камайтириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

¹ ЖССТ маълумоти, 2018 йил.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология риволанишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиётида кўпгина олиб борилган тадқиқот натижалари вазомотор ринит учун учлик симптом – аксириш, ринорея, бурун орқали нафас олишнинг қийинлиги хос эканлигини исботланган (Журавлев А.С., 2014). Ушбу касаллик яллиғланиш хусусиятига эга бўлмаган, бурун шиллиқ қаватининг патологияси ҳисобланиб, унинг асосида нерв тизими физиологик ҳолатининг бузилиши сабаб бўлади, натижада экзоген ва эндоген қўзғатувчилар асосида гиперергик реакциялар кузатилади.

Вазомотор ринит кўп сабабли касаллик бўлиб, касалликни ташхислаш ва даволашнинг бир неча усуллари қўлланилмоқда. Вазомотор ринитни ташхислаш учун риноскопия, эндоскопия ва бурун ёндош бўшлиқларининг рентгенографияси каби усулларидан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари вазомотор ринитни ташхислашда риноманометрия, бурун ажралмаси ҳамда микрофлоралар турини аниқлаш каби усуллар қўлланилади (Пальчун В.Т., Крюков А.И., 2008).

Вазомотор ринитни даволашда консерватив даво самарасиз бўлган тақдирда, енгил жарроҳлик усуллари тавсия этилади. Улардан электрокаустика, гальванокаустика, пастки бурун чиғанокларига криожарроҳлик таъсир, ультратовушли дезинтеграция, шиллиқ ости вазотомия ва шиллиқ ости вакуумли вазотомия усуллари қўлланилади. Сўнгги ўн йилликда мазур патологияни даволашнинг радиожарроҳлик, лазерли деструкция, аргон-плазмали коагуляция каби юқори технологияли жарроҳлик усули кенг тарқалган (Крюков А.И., Кунельская Н.Л. ва ҳаммуалифлар., 2015 й.). Диссертация тадқиқоти вазомотор ринитнинг копмлекс диагностикаси ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган. Соҳадаги инсон саломатлиги билан боғлиқ муаммо ечими, албатта бир қатор тадқиқот ва чора-тадбирларни олиб бориш талаб этилади ҳамда улар

пировард мақсадга, аҳолини саломатлигини яхшиланишига олиб келади. Бу эса, диссертация ишини ЎзР илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мувофиқ тарзда бажарилганлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №02.2019.PhD.041 сонли «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўлларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий-илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Вазомотор ринит билан касалланган беморларда бурун бўшлиғида юзага келадиган клиник-функционал ҳолатларни баҳолаш асосида касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишини башоратлаш усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг бурун бўшлиғи шиллик қавати ва қон томирларининг функционал ҳолатини аниқлаш;

вазомотор ринитда радиотўлқинли жарроҳлик усулининг самарадорлигини ультратовушли дезинтеграция жарроҳлик усули билан қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

беморларда вазомотор ринит кечишининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини қиёсий тахлилини тавсифлаш;

вазомотор ринит кечишининг бурун бўшлиғи шиллик қавати клиник-функционал ҳолати асосида даволаш алгоритмининг ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014-2019 йилларда Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ЛОР бўлимида 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган 916 нафар бемор беморлардан сўровнома олинган, 216 нафар беморлар ва уларнинг тиббий касалликлар тарихи ўрганилган.

Тадқиқотнинг предметини периферик қон ва зардобиди биокимёвий жараёнлар, ҳамда анкета сўровномалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, оториноларингологик кўрик, анкета сўровнома, бурун бўшлиғининг шиллик қавати ҳолатининг клиник-функционал усуллари, рН-метрия, риноманометрия, бурун қон томирларининг доплерографик, ҳамда тадқиқотнинг статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг бурун бўшлиғи шиллик қаватида юзага келадиган функционал ҳолатнинг бузилиши, риноманометрия, рН-метрия ва бурун бўшлиғи қон томирлари доплерографик кўрсаткичларининг патологик ўзгариши асосида келиб чиқиши исботланган;

вазомотор ринит касаллигини бошқа сурункали ринит касаллигидан фарқлаш ва буруннинг функционал ҳолатини тўғри баҳолаган ҳолда максимал даво усулларини белгилашда эксперт мезонлари, анкета

сўровномаси ва оториноларингологик текширувларни бир вақтда қўллаш эрта диагностик аҳамияти асосланган;

эрта кузатиладиган клиник, лаборатор ва инструментал белгиларнинг риноманометрия, ультратовушли доплерография текшириш усуллари натижалари билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор вазомотор ринитнинг беморлар ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш учун касаллик беморларда кечиши ва оқибатларининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари қиёсий баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вазомотор ринитни ташхислаш ва даволашнинг ишлаб чиқилган даволаш алгоритми амалиётга жорий этиш учун тавсия этилган;

вазомотор ринит билан касалланган беморларда бурун шиллиқ қавати қон томирларининг ультратовушли доплерографиясида қиёсий усулда даволанишдан олдин ва даволанишдан кейин бурун бўшлиғида кузатиладиган қон айланишининг ўртача тезлиги кўрсаткичларининг ўзгариши исботланган;

вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг жисмоний ва психологик ноқулайликларини, эмоционал, ижтимоий ҳолатини, шунингдек, оилавий фаровонлигини баҳолаш учун махсус ишлаб чиқилган сўровнома амалиётда қўллаш учун тавсия этилган;

вазомотор ринитнинг ривожланиш хавфи, кечишини башорат қилиш мезонлари такомиллаштирилиб, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, инструментал усуллар асосида вазомотор ринитнинг клиник – биокимёвий хусусиятлари статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вазомотор ринитда қўллашга қарши кўрсатмалари бўлмаган, барқарор ижобий бурун бўшлиғи шиллиқ қаватида функционал натижалар берадиган, мазкур патологияни даволашда амбулатор ва стационар шароитларда қўллаб бўладиган жарроҳлик даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилган, натижада бурун орқали нафас олиш, функционал ҳолат кўрсаткичлари, бурун бўшлиғи шиллиқ қаватининг қон билан таъминланиши яхшиланиши ва улар камроқ шикаст етказиб, асоратларни келтириб чиқармаслиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти анкета сўровномалари асосида касалликнинг хавф омиллари, касалликнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлашга ёрдам бериши, инструментал доплерография ёрдамида эрта ташхислаш, шу билан бирга, вазомотор ринит ривожланиш ва оғир кечиш хавфини тахмин қилиш учун дастурлаштирилган дастур вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг жисмоний ва психологик ноқулайликларини бартараф этиш билан ифодаланади, шунингдек ушбу натижалар ёрдамида вазомотор ринит билан касалланган беморлар ҳаёт сифати ва иш қобилиятини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп омилли касаллик ҳисобланган вазомотор ринитни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

касалликнинг хавф омилларини ва вазомотор ринитларни вақтида аниқлаш касалликни бошқа сурункали ринит касалликларидан фарқлаш ҳамда бурун бўшлиғи функционал ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Беморларда вазомотор ринитнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8 н-р/162-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома беморларда вазомотор ринитнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш методологиясини такомиллаштиришнинг муқобил вариантини танлаш имконини берган;

вазомотор ринит билан касалланган беморларда клиник-функционал текширувларнинг ташхисий баҳоси бўйича олинган илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилояти кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва Бухоро вилояти Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 24 сентябрдаги №8 н-д/302-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббий амалиётга тадбиқ этилиши вазомотор ринит касаллигида ташхислаш сифатини яхшилаш, даволаш жараёнида ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни сезиларли даражада кенгайтирилиши касаллик асоратларини 2,3 бараварга камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган, улардан 8 таси журналлар учун мақолалар бўлиб, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этилиши учун тавсия этилган халқаро илмий-амалий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Вазомотор ринит этиопатогенезининг ҳолати, замонавий ташхисоти ва даволаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот натижалари ва тадқиқот иши мавзуси бўйича маҳаллий ҳамда хорижий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Шунингдек, вазомотор ринитларнинг тарқалиши, таснифи, морфологияси, этиопатогенезининг хусусиятлари, катталарда клиник кечиш хусусиятлари, қиёсий ташхисоти, ҳамда касалликнинг консерватив ва хирургик давосига замонавий қараш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **«Вазомотор ринитни комплекс ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича тадқиқот ҳажми ва лойиҳаси, материаллари ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида беморларда ўтказилган лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари умумий тавсифи берилган маълумотлар баён қилинган. 2014-2019 йиллар давомида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ЛОР бўлимида вазомотор ринит билан касалланган 916 нафар бемор тиббий кўриқдан ўтказилган. Улардан 487 нафари эркаклар ва 429 нафари аёлларни ташкил қилган. Бу бўлимда беморларни текширилган усуллари ҳақида сўз юритилган. Вазомотор ринит билан оғриган беморларда ўтказилган даволашнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича белгиланган мақсадга эришиш учун тадқиқот жараёнига вазомотор ринит билан касалланган 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган, касаллик кечишининг турли даврларида бўлган 216 нафар беморлар жалб қилинган барча беморлар иккита катта асосий ва қиёсий гуруҳларга бўлинган. Бундан ташқари, вазомотор ринит ривожланишига олиб келадиган этиопатогенетик омиллар, шунингдек вазомотор ринитнинг беморлар ҳаёти сифатига таъсирини баҳолаш учун беморларда вазомотор ринитнинг кечиши ҳамда натижасининг тиббий-ижтимоий жиҳатлари қиёсий жиҳатдан ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Тиббий ижтимоий тадқиқотлар учун соғлиқни сақлаш соҳасининг турли босқичларида ишлаётган 167 нафар оториноларингологлар жалб қилинган.

Даволаш режасига асосан беморлар гуруҳларга ажратилган: асосий гуруҳ – вазомотор ринит билан оғриган 122 нафар бемор, уларга пастки

бурун чиғаноқларининг радиотўлқинли деструкцияси амалга оширилган, ҳамда қиёсий гуруҳ – вазомотор ринит билан оғриган 94 нафар беморларга пастки бурун чиғаноқларининг ультратовушли дезинтеграция усули қўлланилган. Назорат гуруҳини вазомотор ринит билан касалланмаган 30 нафар соғлом шахслар ташкил қилган.

Вазомотор ринит ривожланишига олиб келадиган этиопатогенетик омиллар, шунингдек вазомотор ринитнинг беморлар ҳаёти сифатига таъсирини баҳолаш учун беморларда вазомотор ринитнинг кечиши ва натижасининг тиббий-ижтимоий ҳолати қиёсий жиҳатдан ўрганилган ва таҳлил қилинган, ҳамда махсус ишлаб чиқилган сўровномадан фойдаланилган. Сўровнома 22 та саволдан иборат бўлиб, улар 4 та бўлимга бўлинган: жисмоний ноқулайлик ва организмнинг функционал бузилишлари параметрлари (6-9 ва 13-14 саволлари), эмоционал ҳолат параметрлари (15-16 ва 19-20 саволлар), ижтимоий ҳолат параметрлари (18, 21-22 саволлар), оила фаровонлиги параметрлари (10-12 ва 17 саволлари). Бундан ташқари, саволноманинг 1-5 саволлари анкетанинг паспорт қисмини ташкил этдиган. Сўровноманинг ҳар бир бўлимида респондентларга маълум баллар билан кодланган ҳар бир саволга 4 та жавоб таклиф қилинган: "Баъзан" - 1 балл (ўртача ойига 1 марта), "Камдан-кам" - 2 балл (ҳафтасига ўртача 1 марта), "Тез-тез" - 3 балл (ўртача 1 кунда 2-3 марта), "Жуда тез-тез" - 4 балл (кунига ўртача 3-4 марта).

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Microsoft Office Excel-2013» компьютер амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Ўртача катталикларни таққослаганда олинган ўлчамларнинг статистик миқдори Стьюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсия тенглиги (F –Фишер мезони бўйича) аниқланган. Ўзгаришнинг статистик кўрсаткичи учун ишончлилик даражаси $P < 0,05$ дан фойдаланилган.


Диссертациянинг **«Вазомотор ринит билан оғриган беморларда клиник-функционал тадқиқотлар натижаларининг таҳлили»**, деб номланган учинчи бобида вазомотор ринит билан оғриган беморларда клиник ва функционал тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Вазомотор ринит билан оғриган беморлар шикоятларининг қиёсий параметрлари шуни кўрсатдики, беморларнинг асосий гуруҳида барча беморларда доимий бурун орқали нафас олишнинг қийинлиги аниқланган (100%, $n=122$). Текширилаётган беморларнинг 40,2% ($n=49$)да даврий бурун орқали нафас олишнинг қийинчилиги аниқланган, худди шу кўрсаткич 41,8% ($n=51$)ҳид билишнинг бузилишида аниқланган. Бош оғриғи ва уйкуга салбий таъсир қиладиган шикоятлар ҳам кўп ҳолларда – мос равишда 86,1% ($n=105$) ва 86,1% ($n=105$)ни ташкил қилган.

Бурун соҳасида қичишиш ва аксириш каби баъзи аломатлар камдан-кам ҳолатларда учраган. Таққосланган гуруҳларнинг кўрсаткичлари доимий ва даврий бурун оқиши ўртасида сезиларли фарқ кузатилмаган. Бу шикоятлар беморлар томонидан тегишли равишда 18,9% ($n=23$) ва 29,5% ($n=36$)

ҳолатларда кузатилган. Таққослаш гуруҳига киритилган вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг шикоятларининг учраши, асосий гуруҳига жуда ўхшаш эканлиги аниқланган. Ишончлилик ўрганилган кўрсаткичлари ўртасида фарқ аниқланмаган. Бу маълумот беморларни танлаш ва уларни ушбу гуруҳларга киритиш тўғри эканлигини кўрсатади, бу эса яна бир бор гуруҳлар ўртасидаги репрезентативлик ва тадқиқотнинг рандомизациясини исботлайди.

Вазомотор ринит билан оғриган беморларда кўп ҳолларда бурун тўсиғининг эгрилиги, асосий гуруҳга 92,6% (n=113) ва таққослаш гуруҳида нисбатан 91,5% (n=86) мос равишда аниқланган. Шунингдек, аксарият ҳолларда олд риноскопия вақтида бурун чиғаноқларининг кўкимтирлиги аниқланган бўлиб, бу гуруҳлар бўйича мос равишда 77,1% (n=94) ва 75,6% (n=71) ни ташкил этган. Назорат остидаги 2/3 беморларда пастки бурун чиғаноғининг гипертрофияси ва кўп ҳолларда бурун шиллиқ қаватининг шиши аниқланган. Юқоридаги риноскопик параметрларни, беморларда вазомотор ринит ривожланишининг асосий белгилари ва хавф омиллари деб ҳисоблаш мумкин.

Буруннинг нафас олиш функцияси (риноманометрия) тадқиқотларида, соғлом одамларда нафас олиш бўйича бурун бўшлиғидан ўтайдиган ҳаво оқимининг ҳажми $630,0 \pm 20,0$ мл/с ни ташкил этган. Бу параметр асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳидаги беморларда 2,4 марта соғлом беморларга нисбатан анча паст – $258,12 \pm 24,0$ мл/с ва $263,4 \pm 22,0$ мл/с ($P < 0,001$)га тенг (1 - расм).



1 - расм. Вазомотор ринит билан оғриган беморлар риноманометриясининг қиёсий параметрлари, мл/с

Вазомотор ринит билан оғриган беморларда бурун бўшлиғи шиллик қаватининг калорифер функцияси соғлом инсонларнинг маълумотларидан $31,2 \pm 0,3^\circ\text{C}$ мос равишда асосий гуруҳда $33,39 \pm 0,4^\circ\text{C}$ ва таққослаш гуруҳида эса $33,32 \pm 0,5^\circ\text{C}$, мос равишда сезиларли даражада фарқ қилган. Бурун шиллик қавати ҳилпилловчи эпителийсининг ҳаракат функциясини сахарин тести ёрдамида аниқлашда, вазомотор ринит ва соғлом шахслар кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ мос равишда ишончли, таққослаш гуруҳида 1,4 марта ($19,67 \pm 0,8$ мин нисбатан $13,70 \pm 0,5$ мин, $P < 0,05$), асосий гуруҳда у 1,5 марта ($20,72 \pm 0,7$ мин га нисбатан $13,70 \pm 0,5$ мин, $P < 0,05$) юқори эканлигини кўрсатган.

Олинган натижалар вазомотор ринит билан оғриган беморларда бурун шиллик қаватининг функционал ҳолати барча ўрганилган параметрларда кескин ёмонлашувини кўрсатган. Бу эса вазомотор ринит касаллиги бурун шиллик қаватининг функционал ҳолатига салбий таъсир этган ва беморларнинг ҳаёт сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлган, ҳамда ўз навбатида, самарали даволашдан иборат тиббий аралашувини талаб қилаган.

Ушбу тадқиқотлар учун қуйидаги миқдорий параметрларни ўрганилган: ўртача қон оқими тезлиги (V_{mean}), систолик-диастолик нисбат (S/D) ва периферик қаршилик индекси (RI). Ультратовушли доплерография барча соғлом ва вазомотор ринит билан касалланган беморларда амалга оширилган.

Бурун шиллик қаватининг ультратовушли доплерографиясининг барча кўрсаткичлари вазомотор ринитнинг эрта ташхиси учун муҳим диагностик аҳамиятга эга эмас. Касалликнинг эрта ташхиси учун томирлар қон оқимининг ўртача тезлигини ҳисобга олиш лозим.

Диссертациянинг «**Вазомотор ринит билан касалланган беморларда даволаш динамикасининг клиник-функционал кўрсаткичларини қиёсий хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида вазомотор ринит билан касалланган беморларда таклиф этилган радиотўлқинли жаррохлик ва ананавий ультратовушли дезинтеграция усулида даволашнинг клиник-функционал кўрсаткичлари келтирилган.

Натижалар шуни кўрсатадики, даволанишдан сўнг (14 кундан кейин) тадқиқотнинг асосий гуруҳида ($n=122$) сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берган. Агар тавсия этилган радиотўлқинли даволанишдан олдин ва кейин вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг шикоятлари билан қиёсий параметрларини таҳлил қилинганда, бурун нафас олишининг доимий қийинлашуви 100,0% дан ($n=122$) 22,1% гача ($n=27$) камайганлигини кўришимиз мумкин, яъни камайиш 4,5 марта ($P < 0,001$)ни ташкил этган. Деярли шу тенденция пасайиши беморларда даврий бурундан нафас олишнинг қийинлашуви кузатилган, пасайиш 3,3 мартани ташкил этган (мос равишда, таклиф этилган радиотўлқинли усулда, даволангунгача ва даволашдан кейин 40,2%, $n=49$ ва 12,3%, $n=15$)ни ташкил этган, ишончлилик жуда юқори ($P < 0,001$). Даволашдан кейин ушбу симптомларнинг учраши камайган, ҳид билишнинг пасайиши (мос равишда 41,8%, $n=51$ қарши 8,2%, $n=10$, пасайиши 5,1 марта), бурун бекилиши (мос равишда 55,7%, $n=68$ қарши 6,6%, $n=8$, камайиши 8,4 марта), аксириш (мос равишда 19,7%, $n=24$


қарши 4,1%, n=5, камайиши 4,8 марта), таъсирчанлик (50,8%, n=62 ва қарши 10,7%, n=13, камайиши 4,7 марта), доимий бурундан ажралма оқиши (18,9%, n=23 қарши 2,5%, n=3, камайиши 7,6 марта), уйқуга негатив таъсир қилувчи симптом (мос равишда 86,1%, n=105 қарши 16,4%, n=20, пасайиши 5,2 марта) 4,5 мартадан ортиқ, баъзи бошқа симптомлар бош оғриши, вақт-вақти билан бурундан ажралма оқиши, умумий ҳолсизлик 3,3 марта ёки ундан камроқ ($P < 0,05$ - $P < 0,001$) камайиши кузатилган. Вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг шикоятларини деярли бир хил таҳлил қилиш анъанавий даволанишдан олдин ва кейин амалга оширилган.

Натижалар шуни кўрсатдики, аввалги ҳолатда бўлгани каби, аломатлар пайдо бўлишининг пасайиши сезиларли бўлган ва барча ҳолларда анъанавий даволанишнинг ижобий таъсири деярли бир хил интенсивлик билан кузатилган.

Даволаш самарадорлигини қиёсий аниқлашнинг яна бир хусусияти даволашдан олдин дастлабки маълумотларга нисбатан даволашдан кейин яхшиланган беморларнинг фоизини аниқлашдир. Бунда ҳисоблаш учун вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг микдорий кўрсаткичларидан фойдаланилган.

Натижалар шуни кўрсатдики, радиотўлқинли даволашдан сўнг, доимий бурун орқали нафас олишнинг қийинлашуви 122 бемордан 95 нафарида яъни 77,9% ҳолларда аниқланмаган, анъанавий ультратовушли дезинтеграциядан сўнг 94 нафар бемордан 20 нафарида 21,2% ҳолларда соғайиш кузатилган.

Даврий бурун орқали нафас олишнинг қийинлиги асосий гуруҳда мос ҳолда 27,9% (122 нафар беморнинг 34 нафарида) таққослаш гуруҳида эса 8,5% (94 нафар бемордан 8 нафарида) кузатилган (2 - расм).



2 - расм. Вазомотор ринит билан оғриган, турли даволаш усулларидан кейин яхшиланиш кузатилган беморларнинг қиёсий маълумотлари, %

Тадқиқот натижалари турли хил даволаш усулларидан 30 кун кейин таҳлил қилинган, бу ерда ўзгаришларнинг тенденцияси ва интенсивлиги даволанишдан сўнг 14 кундан сўнг худди шундай даражада бўлган.

Шундай қилиб, қиёсий кўрсаткичлар таҳлили вазомотор ринит билан касалланган беморларнинг шикоятлари даволангунгача ва даволангандан 14 ва 30 кундан кейин таклиф этилган радиотўлқинли даволаш самарадорлиги анъанавий ультратовушли дезинтеграция усулга қараганда ошганлигини кўрсатган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи беморлар бурун шиллиқ қаватини функционал кўрсаткичларини ўрганиш радиотўлқинли жарроҳлик усули ва анъанавий ультратовушли дезинтеграция усули динамикасини қиёсий ўрганишга қаратилган.

Олинган натижалар, вазомотор ринит касаллиги билан касалланган беморлар бурун шиллиқ қаватининг функционал ҳолатини баҳолашда ушбу даволаш усулининг самарадорлигининг юқори эканлигини кўрсатган.

Нафас олишда бурун бўшлиғидан ўтган ҳаво оқими ҳажмини аниқлаш (буруннинг нафас олиш функцияси, риноманометрия), соғлом шахсларда бу параметр $612,50 \pm 18,7$ мл/с, асосий гуруҳ беморларда эса ўртача $258,12 \pm 24,0$ мл/с ($P < 0,001$)га камайганлигини кўрсатган, яъни камайиш 2,4 марта ташкил этган.

Ушбу тадқиқотлар бу беморларда таклиф этилган радиотўлқинли даволашдан 14 ва 30 кундан кейин ўтказилган. Даволашдан 14 кун ўтгач, бурун бўшлиғининг ўртача нафас олиш функцияси ёки риноманометрия натижалари $406,50 \pm 18,4$ мл / с га ошган, бу ишончли ўсиш 1,6 марта ($P < 0,05$) ни ташкил этган. Кейинчалик, даволашдан сўнг 30 кун ўтгач, бу параметрнинг ортиши давом этган, ўртача $506,20 \pm 22,7$ мл / с ($P < 0,001$), яъни ўсиш 2,0 марта ($P < 0,001$)га ортган. Шунини айтиш жоизки, даволангандан сўнг 30 кун ўтгач, бурун функцияси меъерий кўрсаткичга етмаган, ўртача 1,2 марта ($P < 0,05$) соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан паст натижаларни кўрсатган. Бу эса ўз навбатида ушбу тоифадаги беморларда патологик жараённинг чуқурлашганлигини кўрсатган.

Калорифик функциясининг нафас олиш функциясидан фарқи ишончли равишда $33,39 \pm 0,40$ ° С қарши $31,20 \pm 0,30$ ° С (1,1 марта ўсиш, $P < 0,05$) соғлом шахслар параметрлари билан солиштирганда вазомотор ринит билан касалланган беморларда сезиларли даражада ошган. Ушбу таҳлил бу беморларда бурун шиллиқ қаватининг меъерий ишлашига касалликнинг салбий таъсири борлигини яна бир бор тасдиқлаган.

Даволаш жараёнида, айниқса радиотўлқинли даволашдан 14 кундан сўнг, бу параметр $32,28 \pm 0,30$ °С даволашдан олдинги маълумотлар билан солиштирганда ($P < 0,05$)га тенг бўлган. Кейинчалик (даводан 30 кун ўтгач) бу мос равишда $31,57 \pm 0,20$ °С қарши $31,20 \pm 0,30$ °С ($P > 0,05$)га тенг бўлган.


Олинган натижалар бўйича, даволашдан олдин беморларда сахарин тестининг параметри 1,5 баробар соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан

ошган, мос равишда $20,72 \pm 0,73$ мин қарши $13,70 \pm 0,32$ мин ($P < 0,001$)га тенг бўлган.

Ўтказилган даводан сўнг, 14 кундан кейин, бу кўрсаткичнинг ўртача $16,52 \pm 0,58$ мин пасайиши қайд этилган, даволашдан олдин ва кейин кўрсаткичлар 1,3 мартага сезиларли даражада фарқ қилган ($P < 0,05$). Соғломлар даражасигача пасайиш 14 кундан сўнг кузатилмаган, натижа ишончли даражада ошган ($P < 0,05$).

Кейинчалик (даволангандан 30 кундан сўнг) мос равишда $13,90 \pm 0,61$ мин қарши $13,70 \pm 0,32$ мин ($P > 0,05$), сахарин тест параметрларининг камайиши давом этган ва меъерий кўрсаткичларга етган. Улардан ишончли даражада фарқ қилмаган. Худди шу тадқиқотлар вазомотор ринит билан оғриган беморларда таққослаш гуруҳига киргизилган.

Бу беморларда бурун бўшлиғининг нафас олиш функцияси (риноанометрия) соғлом кишиларнинг маълумотларига нисбатан 2,3 марта (мос равишда ўртача $263,4 \pm 22,0$ мл/с га қарши $612,50 \pm 18,7$ мл/с, $P < 0,001$) ҳам сезиларли даражада камайган. Ўзгаришлар тенденцияси асосий гуруҳнинг вазомотор ринити бўлган беморларда бир хил, аммо функционал ҳолатдаги ўзгаришлар интенсивлиги анча камайган (3 - расм).




3 – расм. Турли даволаш усуллари динамикасида соғлом шахслар ва вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг бурун бўшлиғи нафас олиш функциясининг қиёсий кўрсаткичлари (мл/с).

Ушбу назологик бирлик билан касалланган беморларда сахарин тести натижаларига кўра, ўрганилган параметрлар ўзгаришларининг деярли ўхшаш тенденцияси кузатилган (4 - расм).

Асосий риноскопик кўрсаткичлар, шиллик қаватнинг гиперемияси ва шиши ҳамда бурун чиғанокларининг кўкариши бўлиб ҳисобланган. Ушбу кўрсаткичларга қараб ўтказилган даво муолажасининг самарадорлигини


баҳоланган. Асосий гуруҳ беморларида 16,4% (n=20) бурун шиллик каватининг қизариши, 59,8% (n=73) ҳолларда эса шиш борлиги аниқланган, бурун чиғаноқларининг кўкариши 77,1% (n=94) беморларда аниқланган.



4 – расм. Турли усуллар билан даволаш динамикасида соғлом шахслар ва вазомотор ринит билан оғриган беморларда сахарин тестининг қиёсий кўрсаткичлари (дақиқа).

Таклиф қилинган радиотўлқинли жарроҳлик муолажасида 14 кунлик даводан сўнг бурун шиллик каватининг қизариши 6,6% (n=8) ва 4,9% (n=6) беморларда 14 кундан кейин аниқланган. Бундан кўриниб турибдики, параметрлар нисбатан кўпроқ ўзгарган ($P < 0,05$). Шу ҳолатда бурун шиллик каватида шиш борлигини қиёсий ўрганиш -59,8% (n=73), 9,8% (n=12), 7,4% (n=9), мос равишда барча кўрсаткичлари даволашдан кейин сезиларли даражада камайган ($P < 0,05$).

Таклиф этилган радиотўлқинли жарроҳлик даволаш усулининг ижобий таъсири 5-расмда кўрсатилган, бунда даволанишдан олдинги ва кейинги риноскопик тасвирлар қиёсий жиҳатдан берилган.



5 – расм. Пастки бурун чиғаноқларининг радиотўлқинли жарроҳлик амалини қўллашдан олдинги ва кейинги риноскопик тасвири (бемор Б., 39 ёш).

Таққослаш гуруҳи беморларида ҳам шу тенденциядаги ўзгаришлар кузатилган, асосан риноскопик ўзгаришлар мана шу учта кўрсаткич бўйича баҳоланган: бурун шиллик қаватининг шиши, қизариши ва бурун чиғаноқларининг кўкимтирлиги.

Вазомотор ринит билан касалланган беморларда бурун бўшлиғи шиллик қавати қон томирларининг ультратовушли доплерографик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили даволашдан олдин ва даволашдан сўнг, асосан бу касалликда ўртача қон оқими даражаси (V_{mean}) ўзгарган. Вазомотор ринитда, шунингдек, турли хил даволаш усулларида олдин ва кейин бурун бўшлиғида қон оқимини баҳолаш учун ультратовуш доплерографик кўрсаткичлари, систолик диастолик нисбат (S/D) ва периферик қаршилик индекси (RI) деярли ўзгармаган. Уларнинг даволаш усуллари орасидаги фарқи ҳам аниқланмаган.

Диссертациянинг «**Беморларда вазомотор ринит кечишининг тиббий-ижтимоий жиҳатларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш**» деб номланган бешинчи бобида вазомотор ринит билан касалланган беморларни тиббий ва ижтимоий жиҳатларини қиёсий нуқтаи назардан ўрганиб таҳлил қилинган.

Асосан барча 3 та таҳлил қилинган симптомлар (бурун битиши, бурундан ажралма оқиши, ва тез-тез аксириш) беморларни камдан-кам безовта қилган. Характерли хусусияти шундан иборатки, барча 3 хил симптомлар $\frac{3}{4}$ беморларда учраб ва ҳар бир тўртинчи респондентлар ушбу симптомлар уларни камдан-кам безовта қилишини таъкидлашган.

Шундай қилиб, вазомотор ринит билан касалланган беморлар жисмоний безовталиқ ва функционал касалликлар кўрсаткичлари «бурун бўшлиғидаги ноқулайлик» ва «уйқунинг бузилиши» ни бу касаллик билан боғлашмаган. Агар «бурун бўшлиғидаги ноқулайлик» 53,8% ни ташкил этган бўлса, «уйқу бузилиш» ҳолати 58,5% ни ташкил этган. Бу параметрлар вазомотор ринит билан оғриган беморларда етакчи эмас, шунинг учун бу маълумотлар

беморнинг умумий клиник ва психологик ҳолатини баҳолашда муҳим эмас деб ҳисобланган.

Шундай қилиб, вазомотор ринит билан касалланган беморларнинг эмоционал ҳолати параметрларини ўрганиш ва баҳолаш, беморлар доимий (9,6%) ва тез-тез (36,5%), кам (53,9%) ҳолатларда эътибор берилган, бундан ташқари, бу кўрсаткич беморларда 96.3% ташкил этган. Натижалар «вазомотор ринитни доимий даволаш туфайли сиз азият чекдингизми?» деган савол-жавобни кўрсатган. Бироқ, кўплаб беморлар вазомотор ринит билан касалланганда (89,4%) ҳолатларда ўзларини ёмон ҳис этишмаган ва (72,6%) ҳолатларда мамнун бўлишган. Бу хил параметрлар беморлар учун максимал (99,1%)ни ташкил этган. Ушбу эмоционал ҳолатнинг сабаблари даволаш натижаларидан қониқиш (80,1%), тўлиқ соғломлашиш (89,6%), юқори тиббий маданият ва ушбу мутахассислик шифокорларига миннатдорчилик (93,1%) ни ташкил этган.

Кейинги босқичда вазомотор ринит билан оғриган беморларнинг ижтимоий ҳолати параметрлари баҳоланган.

Шундай қилиб, вазомотор ринит билан касалланган беморларнинг ижтимоий ҳолати параметрларини ўрганиш ва таҳлил қилишда, асосан ижобий ижтимоий ҳолат кузатилган. Ушбу касаллик туфайли (87,7%) ўзларининг ҳаётидаги кўпгина ҳолатлар, касалликнинг ташхиси ва давосидан мамнунлиги (72,1%), ўзларининг ноҳия шифокор-оториноларингологига ишончи (92,1%) ҳисобланган. Белгиланган таҳлиллар шуни кўрсатадики, беморларнинг ижтимоий ҳолатининг яхшилиги, вазомотор ринитларни даволашда бемор ва шифокор ўртасидаги ишончни баҳолайди. Бемор ва касалликни бошидан ўтказганлар ўртасидаги кескин жавоблар бу касалликдан кейинги психологик ҳолат бўлиб, бемор фаол ҳаётга тўлиқ қайтганда ва ҳаёт тарзи яхшиланганда кузатилган.

Беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун ишлатиладиган кейинги омил вазомотор ринитли беморларнинг оилавий фаровонлиги параметрлари ҳисобланган.

Шундай қилиб, вазомотор ринит билан касалланган беморларнинг оилавий фаровонлигини баҳолаш шуни кўрсатадики, респондентлар асосан камдан-кам ҳолларда ва жуда камдан-кам ҳолларда (75,6%) шифокор тавсиясига амал қилмасдан бурун учун дори воситаларини ишлатишган, бундан ташқари, респондентларнинг аксарияти (71,6%) мустақил равишда ишлатиладиган дори-дармонларнинг таъсирига ишонишмаган. Шу билан бирга, беморлар асосан (67,3%) касалликдан даволанишни исташмаган, бунинг учун оила бюджетидан катта миқдорда маблағ сарфланган. Барча ҳолатлар шуни тасдиқлайдики, бу тиббий салоҳиятни ва санитария маданиятини оширади, одамлар деярли ўз-ўзини даволашни тўхтатишади ва катта миқдорда пул сарфлаш фойдасиз эканлигини ҳамда улар ўз вақтида вазомотор ринит касалланганларни даволаш оила бюджети учун катта иқтисодий самарадорликни олиб келишини тушунишади.

Кузатувларнинг кейинги босқичидаги мақсад шифокор-оториноларингологларнинг вазомотор ринитни ўрганиш ва баҳолашга қаратилган.

Тиббий-ижтимоий текширув учун 167 нафар соғлиқни сақлашнинг ҳар хил жабҳаларида, шу жумладан қишлоқ оилавий поликлиникаларидан бошлаб, то махсус кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шахсий ЛОР-клиникаларда фаолият кўрсатаётган оториноларингологлар жалб этилган.

Оториноларинголог шифокорларнинг сўровномасига кўра, мутахассисларда вазомотор ринитни ташхислаш ва даволаш бўйича бир тўхтам мавжуд эмаслиги аниқланган. Бу ўз навбатида вазомотор ринит билан касалланган беморларни эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш зарурлигини тасдиқлаган. Вазомотор ринит билан касалланган беморларда янги ишлаб чиқилган ташхислаш ва стандарт даволаш алгоритми, эрта ташхислашни ҳамда беморларни яшаш тарзини яхшилаш учун зарур.

ХУЛОСАЛАР

1. Бурун бўшлиғи шиллик қаватининг функционал ҳолати (буруннинг нафас олиш вазифаси, калорифер функцияси, рН концентрацияси, бурун шиллик қавати ҳилпилловчи эпителийларининг ҳаракати) вазомотор ринит билан касалланган беморларда барча параметрларда ёмонлашиши исботланган, кўрсаткичлар соғлом инсонлар кўрсаткичларидан ишончли 1,4-2,5 марта фарқ қилган. Бурун шиллик қавати қон томирлари ултратовушли доплерографиясининг кўрсаткичлари вазомотор ринитнинг ташхисоти учун катта аҳамиятга эга эмаслиги аниқланган, шунинг учун бу касалликнинг эрта ташхисоти учун бурун қон томирларининг ўртача тезликдаги қон оқишини инобатга олиш зарур.

2. Вазомотор ринит билан касалланган беморлар (53,8%) ҳолларда бурун бўшлиғидаги нохушлик ҳисини ва (58,5%) ҳолатларда уйқунинг бузилишини ушбу касаллик билан боғлашмаган. Беморлар доимо (9,6%) ва тез-тез (36,5%) ҳолатларда вазомотор ринит муаммоси билан (эмоционал ҳолат) кам ҳолатларда ўзларини нохуш сезишган, касалланган беморларда бу кўрсаткич 96,3% ни ташкил этган. Беморлар вазомотор ринит билан касалланишларига қарамай, (89,4%) ҳолатларда ўзларига ишончни йўқотишмаган, (72,6%) ҳолатларда ҳаётдан мамнун бўлишган. Бу кўрсаткич касалликни бошидан ўтказганларда 99,1%ни ташкил этган. Бу эмоционал ҳолатнинг сабаби даволанишнинг натижаларидан қониқиш (80,1%), соғайишга батамом ишонч (89,6%), шифокорларга миннатдорчилик (93,1%)ни ташкил этган. Беморларда ижобий ижтимоий статус, бу касаллик туфайли бемор ҳаётига хавф туғдириши (87,7%) ҳолатларда, ташхисот ва даволанишдан қониқиш (72,1%) ҳолатларда, оториноларинголог шифокорига ишонч (92,1%) ҳолатларда эканлиги аниқланган.

3. Радиотўлқинли жарроҳлик усулида пастки бурун чиғаноқларининг деструкцияси усули билан даволашнинг самарадорлиги, анъанавий усулдан

устун (пастки бурун чиғаноқларининг ултратовушли дезинтеграцияси) бўлган. Бу эса кўпчилик беморларда даволанишдан 14 кундан сўнг симптомларнинг йўқолишини тасдиқлаган, ҳамда беморлар ҳолатининг барқарор яхшиланишига олиб келган.

4. Радиотўлқинли жарроҳлик амалидан кейин риноскопияда бурун шиллик қаватининг қизариши ва шиши, чиғаноқлар кўкаришининг йўқолиши 50,0%, 9,8% ва 65,6% беморларда даволанишдан 14 кундан кейин кузатилган, ушбу ижобий натижа даволанишдан 30 кун ўтгандан кейин ҳам давом этган. Пастки бурун чиғаноқларининг ултратовушли дезинтеграцияси ўтказилган беморларда ушбу риноскопик манзара кузатилмаган. Вазомотор ринит билан касалланган беморларда бурун шиллик қавати томирларининг ултратовушли доплерографиясида ҳар хил усулдаги даволанишдан олдин ва даволанишдан кейин бу патологияда қон айланишининг ўртача тезлиги ўзгарган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

НУРОВА ГУЗАЛ УБАЙДУЛЛАЕВНА

**КОМПЛЕКСНАЯ ДИАГНОСТИКА И ОПТИМИЗАЦИЯ ЛЕЧЕНИЯ
ВАЗОМОТОРНОГО РИНИТА**

14.00.04 - Оториноларингология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Tib846.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sammi.uz) и Информационно-образовательном портале “Ziyonet” (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Карабаев Хуррам Эсанкулович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Тулбаев Райс Кажкеневич**
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Казахстан)

Насретдинова Махзуна Тахсиновна
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Астраханский Государственный медицинский университет (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском Государственном медицинском институте. (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2021 года).

Ж.А. Ризаев
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
профессор

Г.У. Самиева
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

К.Э. Шомуродов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Широко распространенный хронический ринит не только значительно ухудшает качество жизни пациентов, но и приводит к развитию патологических состояний в других отделах дыхательной системы, отрицательно влияя на функциональное состояние практически всех органов и систем организма. В настоящее время вазомоторный ринит в группе хронического ринита составляет 21-22%, и его частота увеличивается в основном среди молодых людей и подростков, вызывая такие осложнения, как гайморит, отит, нарушения носового дыхания у пациентов и нарушения сна.

По данным Всемирной организации здравоохранения, на сегодняшний день проведенными исследованиями установлено, что несмотря на проведение комплекса мероприятий вазомоторный ринит является одним из распространенных заболеваний и в последние годы количество больных с данной патологией увеличивается. Выявлено, «...что вазомоторным ринитом страдает каждый третий человек на земле и в последние десятилетия отмечается возрастание доли данной патологии...»¹. По данным многих авторов, дезинтеграция носовых ходов является наиболее распространенным хирургическим методом лечения вазомоторного ринита. Она выполняется с помощью механического, лазерного луча, ультразвука. Использование этих технологий при лечении пациентов с вазомоторным ринитом недостаточно эффективно, зафиксированы осложнения и рецидивы заболевания, требующие повторного хирургического вмешательства. Поэтому исследования по повышению эффективности хирургического метода лечения пациентов с вазомоторным ринитом по-прежнему актуальны в оториноларингологии.

Особое внимание уделяется повышению качества оказываемой населению медицинской помощи, в том числе совершенствованию оториноларингологической помощи по профилактике ЛОР-заболеваний, приводящих к снижению трудоспособности среди трудоспособного населения, а также раннему выявлению хронических заболеваний, внедрению эффективных методов лечения. Определены такие задачи, как «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний за счет создания патронажных услуг...»². Следовательно, при профилактике хронических ЛОР-заболеваний среди населения сегодня важно провести научные исследования по раннему выявлению факторов риска, устранению случаев коморбидности, улучшению правильного лечения, а также по снижению осложнения вазомоторного ринита.

¹ Данные ВОЗ, 2018 год.

² Указ президента Республики Узбекистан №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, а также в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 года и № ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» от 18 декабря 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением VI «Медицина и фармакология» развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Степень изученности проблемы. Многочисленными исследованиями доказана, что для вазомоторного ринита характерна триада симптомов - пароксизмальное чихание, ринорея и затруднение носового дыхания (Журавлев А.С., 2014). Данное заболевание характеризуется патологическим состоянием слизистой оболочки полости носа не воспалительного характера, имеющее в своей основе нарушение нервных механизмов, обуславливающее нормальное физиологическое состояние, в результате чего раздражители экзогенного и эндогенного происхождения вызывают гиперергическую реакцию.

Вазомоторный ринит - это заболевание, имеющее множество причин, и для его диагностики и лечения используются различные методы. Наиболее частыми диагностическими методами вазомоторного ринита являются риноскопия, эндоскопия, рентгенография придаточных пазух носа. Кроме того, используется риноманометрия, определение микробного пейзажа отделяемого из носа (Пальчун В.Т., Крюков А.И., 2008).

